ФУТБОЛ ШАРҲИГА ОИД ФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мирзаҳаким Тўхтамирзаев,
педагогика фанлари номзоди, доцент

Аннотация. Ўзбек футбол репортажининг пайдо бўлиши ва эволюцияси, футбол шарҳи – замонавий ўзбек тили неологизацияси ва терминологияси шаклланадиган асосий майдонлардан бири экани, шунингдек, шарҳловчининг касбий портрети нафақат профессионал нуқтаи назардан, балки ўзбек тилининг коммуникатив имкониятларини намойиш этувчи алоҳида лингвокультурологик феномен сифатида очиб бериладиган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Аннотация. Важное значение имеют научные исследования, раскрывающие появление и эволюцию узбекского спортивного репортажа, футбольного комментария как одной из основных площадок формирования неологизации и терминологии современного узбекского языка, а также профессиональный портрет комментатора не только с профессиональной точки зрения, но и как отдельный лингвокультурологический феномен, демонстрирующий коммуникативные возможности узбекского языка.

Ключевые слова: спортивная журналистика, репортаж, комментирование футбола, профессиональный портрет комментатора, спортивные термины

Калит сўзлар: спорт журналистикаси, репортаж, футбол шарҳи, шарҳловчи касбий портрети, спорт терминлари

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш[154], миллий медиа маконини замон талаблари асосида ривожлантириш устувор вазифалардан саналади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк бор футбол бўйича жаҳон чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритгани, мамлакатимизда йирик халқаро турнирлар (ФИФА серияси, Марказий Осиё конфедерацияси кубоги, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатлари, футзал бўйича жаҳон чемпионати ва ҳ.к.) ўтказилаётгани, республика миқёсидаги деярли барча мусобақалардан бевосита репортажлар намойиши йўлга қўйилгани, Ўзбекистон 20 ёшлилар ўртасида 2027 йилги жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиш учун танлангани спорт журналистикаси, хусусан, футбол шарҳига ижтимоий талабни кескин оширди. Шарҳловчи нафақат маълумот берувчи, балки миллий ғоя ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантирувчи муҳим субъектга айланди.

Шарҳ таҳлилий жанрлар ичида аудиторияда катта талабга эга жанрлардан бўлиб, у “жамиятдаги ўзгаришлар моҳиятини оммага тушунтириш, мавжуд ҳолат ва муаммоларга нисбатан муносабатни шакллантиришдек бир нечта муҳим ижтимоий вазифаларни бажаради”[155].

Бугунги кунда спорт телевидениесида анъанавий ахборот узатиш моделидан инфотейнмент (infotainment) — ахборот ва кўнгилочарлик синтезига ўтиш жараёни кечмоқда. Давлат ва хусусий телеканаллар («Sport TV», «Futbol TV», «Uzreport TV», «Zo‘r

[154] Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни (матн) // https://www.lex.uz/docs/8093787. (мурожаат санаси - 2026.11.05.)

[155] Нурматов А, Тўхлиева Н. Шарҳлаш журналистикаси. –Т.: “BAYOZ”, 2013. – 22-б.

TV») ўртасидаги рақобат шарҳловчилардан янги лингвистик ва прагматик ёндашувларни талаб қилмоқда. Бу эса шарҳловчининг касбий портретини филологик нуқтаи назардан чуқур тадқиқ этиш заруратини кун тартибига киритди.

Спорт шарҳи – замонавий ўзбек тили неологизацияси ва терминологияси шаклланадиган асосий майдонлардан биридир. Бироқ, жонли эфирда адабий тил меъёрларининг бузилиши, чет тилидан кириб келаётган терминларнинг нотўғри қўлланиши ва нутқий манипуляция ҳолатлари илмий асосда тартибга солишни талаб этади. Шарҳловчининг индивидуал услубини тизимли ўрганиш ўзбек медиалингвистикасини бойитишга хизмат қилади.

Шу кунгача ўзбек филологиясида шарҳ ва репортажнинг айрим жиҳатлари ўрганилган бўлса-да[156], футбол шарҳловчисининг касбий портрети яхлит лингвокогнитив ва прагматик тизим сифатида тадқиқ этилмаган. Бугунги кунда футбол шарҳини нафақат профессионал нуқтаи назардан, балки ўзбек тилининг коммуникатив имкониятларини намойиш этувчи алоҳида лингвокультурологик феномен сифатида очиб берадиган тадқиқотлар зарур.

Ўзбекистонда футбол шарҳловчилиги мактабининг шаклланиши ва ривожланиши мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлиб, у бир неча лисоний-тарихий босқичларни босиб ўтди. Ушбу эволюцияни таҳлил қилиш замонавий шарҳловчи касбий портретининг илдизларини англаш имконини беради.

1. Радиорепортаж даври (1950–1980 йиллар).

Бу даврда спорт репортажи асосан радио орқали амалга оширилган. Илк шарҳловчилар (жумладан, Ахбор Имомхўжаев, Шоабдулла Муҳаммаджонов, Азим Алимов ва бошқалар) олдида майдонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни, учрашув иштирокчилари (футболчилар, ҳакамлар, тренерлар, томошабинлар) хатти-ҳаракатларини лингвистик воситалар ёрдамида тингловчи тасаввур қила оладиган тарзда «тасвирлаш» вазифаси турган.

Мазкур босқичнинг лисоний хусусияти дескриптив (тасвирий) лексиканинг устуворлиги, нутқнинг ҳаддан ташқари номинативлигида ифодаланиб, шарҳловчи нутқи ҳали ўзбек тилидаги спорт терминологияси билан тўлиқ бойитилмаган эди.

2. Телевидениенинг кириб келиши (1960–1980 йиллар).

1960 йили республиканинг етакчи жамоаси “Пахтакор” мамлакат (собиқ СССР) чемпионатида қатнаша бошлаши муносабати билан Тошкентдаги стадиондан футбол учрашувлари телевидение орқали намойиш қилиниши йўлга қўйилди. Бу эса репортажда аудио билан бирга визуал қатор интеграциялашувини таъминлади. Бу даврда репортажлар икки тилда эфирга узатилди: аксарият ҳолларда Ахбор Имомхўжаев ўзбек тилида, Роман Турпишчев эса рус тилида шарҳлаб боришди[157].

---

[156] Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати: ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2013; Исмаилова К. Репортаж яратамиз: ўқув қўлланма. – Т.: “Muhr-Press”, 2022; Бобораҳабов Э. Ўзбекистонда спорт сайтларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тенденциялари. – Т.: “Grand Kondor Print”, 2024 ва б.

[157] Имомхўжаев А. Футбол — қувончим, дардим, фахрим. – Т.: “Шарқ”, 1996.

Мазкур босқичнинг лисоний хусусиятлари шарҳловчи нутқининг қатъий нормативлиги, академик услуб, адабий тил меъёрларига сўзсиз амал қилишида акс этди. Шарҳловчи шахси «диктор» образига яқин бўлиб, ҳиссиётлар тийилган, нутқ суръати асосан вазмин бўлган. Бу даврда ўзбек тилидаги илк мустақил спорт терминологияси шаклланиб, фаол қўлланила бошлади.

3. Мустақиллик даври ва миллий мактабнинг юксалиши (1991–2016 йиллар).

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон чемпионати ўйинларидан репортажлар кўпайиши, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани туфайли шарҳда миллий колорит ва мафкуравий функция биринчи планга чиқди.

Мазкур босқичнинг лисоний хусусияти сифатида шарҳловчилар нутқининг «эркинлашиши», миллий атамалар, турғун бирликларнинг фаол қўлланилишини эътироф этиш мукин. Давлат Турдалиев, Мирзаҳаким Тўхтамирзаев, Хайрулла Ҳамидов каби шарҳловчиларнинг пайдо бўлиши билан нутққа бадиийлик, шеърият ва экспрессия элементлари қўшилди. Шарҳловчи «маълумот берувчи»дан «миллатдош суҳбатдош»га айланди[158].

4. Замонавий босқич: Рақамли медиа ва «Янги Ўзбекистон» репортажи (2017 йилдан ҳозиргача).

Бу давр медиа-конвергенция ва хусусий спорт каналларининг ривожланиши билан характерланади. Мазкур босқичнинг лисоний хусусиятлари инфотейнментнинг ҳукмронлиги, нутқнинг «интернетлашуви», профессионал услубларнинг хилма-хиллигида ифодаланмоқда. Шарҳловчи энди нафақат журналист, балки мустақил медиа-бренд сифатида намоён бўлмоқда.

Ахбор Имомхўжаев феномени ўзбек филологиясида спорт репортажини мустақил медиа-матн сифатида шакллантиргани билан муҳим аҳамият касб этади. Устознинг нутқий фаолиятини таҳлил қилиш орқали қуйидаги илмий хулосаларга келиш мумкин:

Ахбор Имомхўжаев асосан рус тилидаги калькалардан иборат спорт терминларини, ўзбек тилининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, «маҳаллийлаштириш» жараёнини бошлаб берди. Жумладан, ***дарвоза, жарима майдончаси, ҳимоячи, ҳужумчи*** каби бирликлар луғатларга футболга ҳам оид лексика сифатида киритилишига сабабчи бўлди. Шу билан бирга, давр таъсирида айрим сўз ва иборалар нотўғри талқин қилингани ҳам диққатга сазовор. Масалан, ***тўп суради, жарима тўпи, бурчак тўпи*** каби иборалар аслида ***тўп тепади, жарима зарбаси, бурчак зарбаси*** шаклида ишлатилиши зарур[159]. Ахбор Имомхўжаев нутқи совет даври репортажининг муҳим талабларига жавоб берган ва ўзбек спорт шарҳининг стандарти ҳисобланган. Унинг нутқида мантиқий изчиллик, синтактик

[158] Tukhtamirzaev M. Развитие спорта в Республике Узбекистан с точки зрения спортивного комментатора // İmgelem | Sayı: Özbekistan Özel 14 Sayısı | Eylül 2024 | 391-410 Doi: 10.53791/imgelem.1482254 Derleme Makale/Review Article

[159] Тўхтамирзаев М. Футбол терминлари ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси ҳақида (футбол учрашуви иштирокчиларининг номланиши мисолида) // “Таржиманинг лингво-когнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик аспектлари” Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Андижон, 2015. – 40-43-бетлар.

яхлитлик ва талаффуз маданияти юқори даражада бўлган, шарҳлари кейинги авлод учун андоза сифатида хизмат қилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек футбол шарҳи шаклланиши ва ривожланишидаги ҳар бир босқич ўзбек тилининг имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган ва қилмоқда. Уларни илмий тадқиқ қилиш филология фани ривожига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни (матн) // https://www.lex.uz/docs/8093787.
2. Бобoражабов Э. Ўзбекистонда спорт сайтларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тенденциялари. – Т.: “Grand Kondor Print”, 2024.
3. Имомхўжаев А. Футбол — қувончим, дардим, фахрим. – Т.: “Шарқ”, 1996.
4. Исмаилова К. Репортаж яратамиз: ўқув қўлланма. – Т.: “Muhr-Press”, 2022.
5. Нурматов А, Тўхлиева Н. Шарҳлаш журналистикаси. –Т.: “BAYOZ”, 2013.
6. Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати: ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2013.
7. Тўхтамирзаев М. Футбол терминлари ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси ҳақида (футбол учрашуви иштирокчиларининг номланиши мисолида) // “Таржиманинг лингво-когнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик аспектлари” Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Андижон: “Андижон нашриёт-матбаа” МЧЖ, 2015. – 40-43-бетлар.
8. Tukhtamirzaev M. Развитие спорта в Республике Узбекистан с точки зрения спортивного комментатора // İmgelem | Sayı: Özbekistan Özel 14 Sayısı | Eylül 2024 | 391-410 Doi: 10.53791/imgelem.1482254 Derleme Makale/Review Article